

САНЪАТ ВА АДАБИЁТ- ЭСТЕТИК ТАЛАБАЛАРНИ ҚОНДИРИШ СИРИ




Abdulla
Qodiriy
(1894 - 1938)




Hayot va ijod yo`li.

- 1894- yil 10- aprelida Toshkent shahrida bobon oilasida dunyoga kelgan Abdulla Qodiriy o`z davrining maktab va madrasalarida o`qiganligi, ilmga chanqoqligi va ulkan iste'dodi tufayli zamonasining eng bilimdon kishilaridan biriga aylandi.
- Oiladagi yo`qchilik tufayli mahalladagi maktabga kechikibroq borgan Abdulla ikki-uch yil ichida tuzukkina savodxon bo`ldi.






- **Bo`lajak yozuvchi rus-tuzum maktabini tugatib, tirikchilik ko`yida yurgan kezlarda Rasulmuhammad otliq savdogar boy qo`lida ishboshqaruvchilik qildi. Savdogar insofli, ochiq fikrli, oydin kishilarni hurmatlaydigan boylardan edi. Abdulla uning do`konlarida ishlab yurib, zamonasining bir qator ilor fikrli kishilari bilan tanishdi, suhbatlar qurdi. 1914- yilda boyning Rahbaroy ismli qiziga uylanib. Nafiza, Habibulla, Adiba, Anisa, Ma'sud kabi farzandlar ko`rdi.**



HAMID OLIMJON
1909 - yil
12 -dekabr
Jizzax shahrida
mehnatkash
oilasida tavallud
topgan.



**Hamid
Olimjonning
birinchi she'ri
1925 - yilda
"Kimdir" nomi
bilan e'lon
qilinadi.**



Nasriy asarlari



“Tong shabadasi”
hikoyalar to‘plami



“Zaynab va Omon”
dostoni



“Jinoyat va muqanna”
drammasi



“Parizod va Bunyod”
dostoni



G'afur G'ulom

Har lahza zamonlar umridек uzun,
Asrlar taqdiri lahzalarda hal.
Umrдан o'tajak har lahza uchun
Qudratli qo'l bilan qo'yaylik haykal.



Kichkintoylarning katta shoiri

G'afur G'ulom

- G'afur G'ulom bolalar adabiyotining ravnaqiga katta hissa qo'shgan ijodkorlardan. O'zining mehnat faoliyatini pedagoglikdan boshlagan shoir umrining oxirigacha qalban eng jonkuyar pedagoglardan biri bo'lib qoldi. U yosh avlodni, kelajak farzandlarini juda sevardi va bu sevgisini bolalar haqida yozilgan asarlarida yuksak muhabbat va cheksiz mahorat bilan ifodaladi



yoshlar va
o'spirinlarga bag'ishlangan
she'rlari

«Bilib qo'yki,
seni Vatan kutadi»

“Awwal o'qi”

‘Bari seniki’

“Oltin medal”

Said Ahmadning oilaviy hayoti



- Otasi-Husanxo'ja Dadaxo'ja o'g'li rus-tuzem maktabini tugatgan, Ismoil Gaspirali do'sti
- Bobosi-Dadaxo'ja shahar dumasi deputati.
- Ona tomondan bobosi G'ulomjon toshbosma matbaa egasi bo'lgan.
- Akasi-Imomxon o'zbek stenografiyasining asoschisi.
- Akasi-Zuhurxon irrigatsiya bo'yicha O'zbekistonda ilk professor.
- Rafiqasi- Saida Zunnunova.

Сайд Ахмад

УМРИМ БАЁНИ

Said Ahmad

**Artistlik
qildi**

**Doktorlikka
o'qidi**

**Rassomlikka
o'qidi**

**Quruvchilik
qildi**

**Mashhur fotochi Rensonga
Shogird tushib rasmchilik qildi.**

**“Bir marta dor o’ynab yiqilganman. Oyog’im singan.
Rais ko’chasidagi Maxsum tabib taxtakachlab qo’ygan,
bir oygacha qo’ltiqtayocda yurganman”.**

Said Ahmad

Said Ahmadning adabiy merosi



Hajviya

Komediya

Hikoya

Roman

Qissa



To'plamlari

- “Tortiq” (1940)
- “Er yurak”(1942)
- “Farg’ona hikoyalari”1948
- “Muhabbat”(1949)
- “Cho’l burguti” (1960)
- “Xandon pista”(1994)
- “Bir o’pichning bahosi”(1995)
- “Cho’l oqshomlari”
- “Odam va bo’ron”






Hayoti

- * *O'zbekiston xalq shoiri,
O'zbekiston qahramoni
Abdulla Oripov 1941 yil
21 mart kuni
Qashqadaryo viloyati
Koson tumani Neko'z
qishlog'ida tug'ilgan.
Otasi Orif bobo oddiy
dehqon bo'lib, to'rt qiz va
to'rt o'g'ilning ta'lim-
tarbiyasiga katta e'tibor
bergan. Abdullaning
bolaligi Qo'ng'irtov
etaklarida o'tadi.*





Ijodi



- ★ *17 yoshida o'rtta maktabni oltin medal bilan tugatib, 1958 yilda ToshDU filologiya fakultetining jurnalistika bo'limiga o'qishga kiradi. Abdulla Oripovning «Mitti yulduz» deb atalgan birinchi shs'riy to'plami 1965 yilda nashr etilgan. Shoir nashriyotlarda, teatrda, Toshkent Madaniyat institutida, Respublika yozuvchilar uyushmasida faoliyat ko'rsatadi. Tarjimonlik bilan shug'ullanadi. Abdulla Oripov italyan shoiri Dante Aligerining «Ilohiy komediya» («Do'zax» qismini) o'zbek tiliga mohirlik bilan o'giran, bu asar ta'sirida «Jannatga yo'l» (1978) dramatik dostonini yarattan (Fitratning «Qiyomat» (1923 yil) nomli asari ham shu dramaga yaqin turadi). Shoir asarlari el va yurt tomonidan munosib taqtsirlanmoqda. U Hamza nomidagi Davlat mukofotiga va «Munojot» to'plami uchun Alisher Navoiy nomidagi Davlat mukofotiga sazovor bo'lgan.*



- ★ *Shoir o'z tarjimai holida shunday yozadi: «Men uchun eng katta siylov kamtarin ijodimga xalqimning muhabbatidir. Biroq shuniham aytib o'tishim joizki, 1981 yilda «Hakim va Ajal» dostonim uchun O'zbekiston Davlat mukofotiga hamda 1990 yili O'zbekiston xalq shoiri unvoniga sazovor bo'ldim. Rejalarim, albatta ko'p».*
- Abdulla Oripov hozirgi paytda O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasiga rahbarlik qilmoqda. Abdulla Qahhor «yozuvchilikka cho'g'day yonib kirgan» deya, balqar shoiri Qaysin Quliev «uning paydo bo'lishi she'riyatimizda bayramdir» - deya Abdulla Oripovga yuksak baho berishgan.*



Kitoblari va she'rlari:



- ★ *«O'zbekiston», «Men nechun sevaman O'zbekistonni», «Bolalik yillarim», «Umr duch qilarkan», «Sendanyiroqda», «Hali oldindadir go'zal kunlarim», «Shovulladi tun bo'yi shamol», «Onajon», «Ruhim», «Hiyrat», «Yuzma - yuz» (1964), «Hakim va ajal» (1980, doston Abu Ali Ibn Sinoga bag'ishlangan), «Ranjkom» (1988, dostonda sho'ro tuzumi «Bu tuzumning yarim umri lof bilan o'tgan, Fuqaro ham usuliga ko'nikmish g'oyat..» deb keskin fosh etilgan),*

O`zbekiston xalq shoiri Erkin Vohidov
1936- yil 28 – dekabrda Farg`ona
viloyatining Oltiariq tumanida muallim
oilasida tug`ilgan.



Dramalari:

„Oltin devor“
„Istanbul fojeasi“





VATANIMIZ BOSHIGA
MUSIBATLI KUNLAR
TUSHGANIDA HAM O'Z
ISTIQLOLI UCHUN
QALBDAGI
TUYG'ULARINI BARALLA
AYTA OLGAN BU
SHOIRIMIZGA
TASANNOLAR AYTSAK
ARZIYDI. UNING HAR
BIR SHE'RLARIDA
INSONNING YURAGIDA
HIS UYG'OTADIGAN
KUCH MAVJUD.




"O'zbekim" qasidasi haqida O'zbekiston xalq yozuvchisi O'tkir Hoshimov bilan bo'lib o'tgan suhbatlarimizdan birida shunday degan edilar: "Haqiqiy ijodkor o'z xalqining fidoyi va sodiq farzandi bo'ladi. Bu hamma zamonlarga, hamma xalqlarga xos udum. Erkin Vohidovning talay asarlari bunga misol bo'la oladi. Birgina "O'zbekim"ni oling! O'z vaqtida shoirning boshiga ko'p savdolar solgan, "peshonasini g'urra qilgan" bu qasidani o'zbekning gimni deyish mumkin. Ammo bu oddiy madhiya, faxriya emas. Hajmi kichik asarda xalqimizning ming yillik tarixi, quvonch va iztiroblari g'oyat tabiiy, g'oyat teran aks etgan. Bir maktabga borganimda butun sinf bolalari "O'zbekim"ni boshidan oxirigacha jo'r bo'lib yoddan o'qiganini ko'rganman va xalqimizning shunday shoiri borligidan faxrlanganman..."

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 декабрь куни АҚШнинг Афғонистондаги ярашиш масалалари бўйича махсус вакили Залмай Халилзод ва АҚШ Президенти ёрдамчисининг ўринбосари, Миллий хавфсизлик кенгашининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича катта директори Лиза Кёртисни қабул қилди. Давлатимиз раҳбари АҚШ делегациясини самимий қутлар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик жадал ривожланаётгани ва изчил мустаҳкамланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди. Жорий йил май ойида АҚШга олий даражадаги ташриф якунида эришилган келишувлар стратегик шерикликнинг янги даврини бошлаб бергани таъкидланди.





Учрашувда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳар томонлама муносабатларни янада кенгайтиришга доир, шунингдек, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди. Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Афғонистон билан анъанавий яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратаётгани, ушбу мамлакатда тез фурсатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши, изчил тараққиётни таъминлаш тарафдори эканини қайд этди. Ўзбекистон ташаббуси билан амалга оширилаётган инфратузилмага оид қатор аҳамиятли лойиҳалар бу жараёнга муҳим ҳисса бўлиб қўшилади. Мозори Шариф – Ҳирот темир йўли ва Сурхон – Пули Ҳумри электр узатиш линиясининг қурилиши шулар жумласидан.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШАББУСИ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН БИР ОВОЗДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ



Жорий йил 12 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи сессиясида “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюция қабул қилинди. Лойиҳаси Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган ҳужжат БМТга аъзо барча давлатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди. Резолюциянинг қабул қилиниши 2017 йил сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Президентимиз Шавкат Мирзиёев илгари сурган ташаббуснинг амалий ифодаси бўлди.

Давлатимиз раҳбари БМТ юксак минбарида туриб сўзлар экан, Ўзбекистон томонидан таклиф этилган резолюциянинг асосий мақсади **“барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборат”** эканини қайд этди. Ҳужжат “бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашиш”га қаратилган. Ушбу ташаббусни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги қатор бошқа идоралар билан ҳамкорликда резолюция лойиҳаси матнини ишлаб чиқиш ва уни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо барча давлатлар билан келишиш бўйича тизимли ишлар олиб борди. Мамлакатимизнинг Нью-Йорк шаҳридаги Доимий ваколатхонасидан маълум қилишларича, БМТга аъзо давлатлар билан ушбу ҳужжат лойиҳасига доир кўплаб ва ҳар томонлама музокаралар яқунлари бўйича 12 декабрь куни Президентимизнинг ташаббуси ҳаётга татбиқ этилди. БМТ Бош Ассамблеяси ялпи мажлиси давомида “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси қабул қилинди.

Мазкур резолюция нафақат БМТга аъзо барча давлатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватлангани, балки Шимолий Америка ва Лотин Америкаси, Осиё, Африка ва бошқа қитъаларнинг 50 дан зиёд мамлакати билан ҳаммуаллифликда қабул қилингани эътиборга молик. Бу халқаро ҳамжамият томонидан Ўзбекистон раҳбари ташаббусининг долзарблиги ва ўз вақтида илгари сурилган таклиф эканининг юксак эътирофидан далолатдир. Ҳаммуаллифлар қаторида Озарбайжон, Жазоир, Баҳрайн, Беларусь, Гана, Миср, Ҳиндистон, Қозоғистон, Канада, Қатар, Қирғизистон, Ливан, Марокаш, БАА, Ўмон, Покистон, Корея Республикаси, Россия, Саудия Арабистони, Сингапур, Судан, Тожикистон, Таиланд, Тунис, Туркменистон, Филиппин, Япония ва бошқа давлатларни қайд этиш жоиз. Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган резолюцияда маърифатпарварлик ғоясини илгари суриш қайд этилиб, сайёрамизда хавфсизлик ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги интеграция, ўзаро ҳурмат, инсон ҳуқуқлари ҳимояси, муроса ва ўзаро англашувнинг нечоғли муҳимлиги эътироф этилади.

Эътиборга лойиқ жиҳати шундаки, ушбу ҳужжат барча аъзо давлатларнинг фикр, виждон, дин ёки эътиқод эркинлигини ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришга доир саъй-ҳаракатларини фаоллаштириш ва шу асосда:



- а) бутун жамиятда турли дин ва эътиқодлар, уларнинг юрисдикцияси доирасида амал қилувчи турфа диний озчиликлар тарихи, анъаналари, тили ва маданияти ҳақида янада кенг билимларни тарғиб қилиш орқали таълим ва бошқа воситалар ёрдамида дин ва эътиқод эркинлигига доир барча масалаларда ўзаро англашув, бағрикенглик, камситишга йўл қўймаслик борасидаги саъй-ҳаракатлар ва ҳурматни рағбатлантириш;
- б) миллий ва халқаро даражада маданиятлараро ҳамкорлик ва тинчлик ўрнатишга қаратилган фаолиятнинг турли кўринишларини қўллаб-қувватлаш;
- в) илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлашга ундайди.

ЎЗАР О ИШОНЧ ВА ДЎСТЛИК МУХИТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДАГИ ДАДИЛ ҚАДАМЛАРНИНГ ИККИ ЙИЛИ

-
- Бундан роппа-роса икки йил муқаддам, 2016 йил 14 декабрь куни Ўзбекистон Республикасининг янги сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг инаугурация маросими бўлиб ўтди. Тарих нуқтаи назаридан бу ғоят қисқа фурсат. Аммо, шу вақт ичида мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатида кўплаб ижобий ўзгаришлар юз бердики, уларнинг эркинлари нафақат юртдошларимиз турмушига фаровонлик олиб кирди, шу билан бирга, Марказий Осиё минтақаси сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида ҳам туб бурилиш ясади. Бу халқаро ҳамжамият томонидан ҳам кенг эътироф этилмоқда.



Дональд ТРАМП, Америка Қўшма Штатлари Президенти:

- Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси ва унинг қўшни давлатлари суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини, шунингдек, Марказий Осиёни янада тараққий эттириш ва ўзаро ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган саясий-ҳаракатларни олиб бормоқда. Америка Қўшма Штатлари Шавкат Мирзиёевнинг ана шундай минтақавий ёндашувга доир ташаббусларини қўллаб-қувватлайди.



Владимир ПУТИН, Россия Федерацияси Президенти:

- – Ўзбекистон Россиянинг ишончли иттифоқчиси, стратегик шериги. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Россияга 2017 йилги давлат ташрифидан кейин икки томонлама муносабатларнинг барча соҳаларида катта ўзгаришлар бўлди. Бу ўринда гап, аввало, иқтисодиёт ҳақида кетмоқда. Биз Ўзбекистон қанчалик тез ва тубдан ривожланаётганини, мамлакат иқтисодиёти ва халқи учун зарур ислохотлар амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.



Эммануэль МАКРОН, Франция Республикаси Президенти:

- Кейинги пайтда Ўзбекистон – Франция муносабатларида мутлақо янгича ўсиш кузатилмоқда. Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни чуқурлаштиришга катта қизиқиш билдираётганини юксак қадрлайман. Франция ва Ўзбекистонда ҳали фойдаланилмаган салоҳият катта. Ўзбекистон билан нафақат икки томонлама ҳамкорликни фаоллаштириш ва кенгайтириш, балки халқаро ва минтақавий аҳамиятга эга бўлган долзарб мавзулар, жумладан, терроризмга қарши кураш, иқлим ўзгариши каби масалалар юзасидан муҳокамалар олиб бориш имконияти мавжуд.



Нурсултон НАЗАРБОЕВ, Қозоғистон Республикаси Президенти:

- Биз илдизи бир халқмиз. Бутун тарих давомида бўлганидек мустақиллик йилларида ҳам бир-биримизни қўллаб-қувватлаганмиз. Ўзбекистон Президентининг 2017 йил март ойида Қозоғистонга давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ривожидан янги босқични бошлаб берди. Утган қисқа вақтда икки томонлама алоқаларда илгари кузатилмаган юқори натижаларга эришилди. Мамлакатларимиз иқтисодиёти бир-бирини тўлдиради. Қозоғистон Ўзбекистон билан ҳамкорликни барча соҳалар бўйича кенгайтиришга тайёр.



ПУХТА ҰЙЛАНГАН ТАШАББУСЛАР ВА ИСТИҚБОЛДИ ЛОЙИХАЛАР ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИҒИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 декабрь куни Қашқадарё вилоятига ташриф буюрди.

- Давлатимиз раҳбари Қашқадарёга ташрифини Ғузор туманида барпо этилаётган Uzbekistan GTL заводи билан танишишдан бошлади.

- Ушбу ҳудуд яқин-яқингача куруқ дашт бўлиб, бу ерда қурилиши мўлжаллаган завод лойиҳаси тўхтаб қолган эди.

- Шавкат Мирзиёев бу лойиҳага оид барча масалаларни ҳал қилиб берди – Президентимизнинг 2016 йил 29 декабрдаги қарорига мувофиқ, «Шўртан газ-кимё мажмуасининг тозаланган метани негизида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқаришни ташкил этиш» инвестиция лойиҳаси бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.





Завод дунёдаги етакчи лицензиар компаниялар – “Sasol” (ЖАР), “Haldor Topsoe” (Дания) ва “Chevron” (АҚШ) технологиялари асосида бунёд этилаётир. Қурилиш ишлари бош пудратчи – Корея Республикасининг “Hyundai Engineering Co. Ltd.” ва “Hyundai Engineering and Construction Co., Ltd”, Сингапурнинг “Enter Engineering Pte. Ltd.” компаниялари томонидан олиб борилмоқда. Қурувчи ва пйвандчиларнинг кўпчилиги маҳаллий ёшлардир. Япония, Жанубий Корея, Сингапур, АҚШ, Германия, Италия, Хитой, Россия каби 21 давлатдаги 126 заводда мажмуа учун зарур 11 мингдан ортиқ технологик ускуна тайёрланмоқда.

Бундай иш ҳажми бежиз эмас. Табиий газдан синтетик суюқ ёқилғи (GTL) олиш жуда мураккаб жараён бўлиб, юқори технологиялар ва чуқур илмий ечимларни талаб этади. Ҳозир дунёда бундай заводлар атиги бешта. Шўртандагиси олтинчиси бўлади.

Мазкур улкан лойиҳанинг умумий қиймати 3,6 миллиард АҚШ долларига тенг. Унинг амалга оширилиши натижасида йилига 3,6 миллиард куб метр газ чуқур қайта ишланиб, ЕВРО-5 стандартига жавоб берадиган 1,5 миллион тонна синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқарилади.

- Заводнинг асосий аҳамияти шундаки, табиий газ хомашё эмас, қўшимча қийматли маҳсулот сифатида сотилади. Масалан, 1000 куб метр табиий газни тахминан 155 долларга экспорт қилаётган бўлсак, янги заводда шунча газни қайта ишлаш орқали 300 долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Фойда икки баробар ортади. Бошқа GTL маҳсулотларидан олинадиган қўшимча даромад 576 миллион доллардан ошади. Яна бир муҳим жиҳат – йилига нефть импортига кетадиган 1 миллиард доллардан ортиқ валюта тежалади. Завод ишга тушгач, 1 минг 300 дан ортиқ киши иш билан таъминланади.





Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 1 июндаги “Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ҳамда жорий йил январь ойидаги Қашқадарёга ташрифи давомида берган топшириқлари асосида туманда “Sag agro Yakkabog” МЧЖ томонидан 25 миллиард сўм маблағ эвазига 1 минг 140 гектар майдонда ёнғоқзор ва бодомзорлар ташкил этилмоқда. Айти пайтда 700 гектар майдонда ёнғоқнинг «Chendler», «Cisco» ва бодомнинг «Avijor», «Guara» навли кўчатлари ўтказилди. Келаси йили яна 440 гектар майдонда мазкур дарахт кўчатлари экилади. Ёнғоқзор 4 йилда, бодомзор 3 йилда ҳосилга киради. Мазкур боғ тўлиқ барпо этилгач, йилига 7 минг тоннага яқин маҳсулот олинади. 500 кишининг бандлиги таъминланади. Етиштирилган маҳсулотнинг 60 фоизини экспортга чиқариш кўзда тутилмоқда. Президентимиз боғда ёнғоқ кўчати ўтказди.

Қашқадарё қишлоқ хўжалиги бўйича катта салоҳиятга эга. Яккабоғда ҳам ҳосилдор ерлар, деҳқончиликни яхши биладиган одамлар кўп. Бундан тўғри фойдаланиб, боғдорчиликни ривожлантириш, аҳолини ҳам озиқ-овқат билан, ҳам иш билан таъминлаш мумкин, деди Шавкат Мирзиёев. Шу боис кўчатхоналар ташкил этиш, аҳоли томорқалари учун мевали дарахтлар етказиб бериш зарурлиги таъкидланди. Шу ернинг ўзида Қашқадарё вилояти туманларидаги захира ер майдонларида ўрмон хўжаликлари томонидан 2019-2020 йилларда pista, аччиқ бодом, ёнғоқ ва чаканда плантацияларини ташкил этиш ҳамда Қамаши давлат ўрмон хўжалигида куркачиликни ривожлантириш, мамлакатимиздаги ўрмон хўжаликлари ва фермер хўжаликларида pista плантациялари барпо қилиш, қоракўлчилик, узумчиликни ривожлантириш, «Nasaf agro impeks» МЧЖ томонидан Китоб туманида замонавий интенсиф боғ ташкил этиш лойиҳалари тақдимоти ўтказилди. Давлатимиз раҳбарига вилоятда балиқчилик, паррандачилик, чорвачилик соҳасини ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Президентимиз Муборак туманидаги масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Азиз агро транс файз” замонавий иссиқхонаси фаолияти билан танишди. Тадбиркор Қобилжон Ғуломов 2016 йили “Муборак иссиқлик электр маркази” АЖ атрофидаги ташландиқ ҳудуддан 2 гектар ер олиб, иссиқхона барпо этган эди. Натижа кутилганидан ҳам зиёд бўлди. 2017 йил 4 гектар, 2018 йил яна 3 гектар ерда иссиқхона қурди. Табиийки, чўл ҳудудда, оқар сувдан узокда мўл ҳосил етиштириш осон эмас. Тадбиркор бунинг ҳам уддасидан чиқди. Яъни ёмғир мавсумида 800-1000 тонналик сув тўпланадиган ҳовузлар қурди. Тўпланган сувдан экинлар томчилатиб суғорилади. Яна бир аҳамиятли томони “Муборак иссиқлик электр маркази” АЖда ишлаб чиқаришда пайдо бўладиган иссиқ сув илгари махсус жараёнда совитиларди. Ушбу иссиқ сув қувурлар орқали иссиқхонага тортиб келинган. У иссиқхонадаги зарур ҳаво ҳароратини таъминлаб беради, совигач, яна иссиқлик корхонасига қайтарилади. Айни пайтда иссиқхонада 100 дан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Келаси йили иссиқхона умумий майдони 10 гектарга етказилади. Иш ўринлари сони яна кўпаяди.



Президентимиз 2017 йил 24-25 февраль кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида Қарши шаҳрида курилаётган Республика ихтисослаштирилган эндокринология ҳамда Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказларининг Қарши филиаллари лойиҳаси билан танишиб, бу филиалларнинг ташкил этилишидан мақсад аҳолига янада кўпроқ қулайлик яратиш эканини алоҳида таъкидлаган эди.

Қисқа вақт оралиғида мазкур лойиҳалар асосида жадал курилиш ишлари бажарилди, илгари фойдаланилмай турган ҳудуд туташ жойлашган марказ филиаллари атрофи ободонлаштирилди.

Давлатимиз раҳбари бу ерда беморлар учун яратилган шароитлар, тиббий асбоб-ускуналар, малакали кадрлар таъминоти, замонавий даволаш усуллари билан танишди.

Филиал нафақат қашқадарёликлар, балки бошқа вилоятлар ва қўшни республикалар аҳолиси учун ҳам хизмат қилади.

120 ўринли Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қарши филиалида реабилитация ва юрак ишемик касалликлари, сурункали юрак етишмовчилиги ва аритмология, артериал гипертензия, рентген-эндоваскуляр жарроҳлик, кардиожарроҳлик, қабул-диагностика каби бўлимлар, кунлик 100 катновга мўлжалланган поликлиника фаолияти йўлга қўйилади.

Марказ юрак-қон томир касалликларига ташхис қўйиш ва даволаш учун зарур барча замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган.

Ташрифнинг иккинчи кунин Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Қарши шаҳрида Қашқадарё вилояти иқтисодийетини ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят фаоллари, депутатлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, секторлар раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Давлатимиз раҳбари 2018 йилда қабул қилинган “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида вилоятнинг 28 та қишлоқ ва 4 та маҳалласи обод қилиниб, уларда яшаётган 300 минг аҳолининг турмуш шароити яхшиланганини таъкидлади.

Жумладан, 17 мингта ҳовли-жой, 193 та кўп қаватли уй, 82 та ижтимоий соҳа объекти, юзлаб километр йўл ва кўчалар, сув ва электр тармоқларида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бунга қарийб 300 миллиард сўм сарфланди.

Вилоятда ичимлик сув таъминотини яхшилаш борасида сезиларли ишлар қилинган, бироқ бу кифоя эмаслиги қайд этилди. Бу ишлар кўламини ошириш мақсадида Косон, Муборак, Қамашини ва Ғузур туманлари ичимлик суви таъминоти тизимларини реконструкция қилиш, Дехқонобод туманидаги 38 аҳоли пунктида яшаётган 104 минг кишини марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳалари амалга оширилади.

Мамлакатимизнинг Буюк Британия, Эрон ва Польшадаги элчихоналари Қашқадарё вилоятига бириктирилган. Президентимизнинг ташрифи доирасида Қарши шаҳрида ўтган тақдимотларда Буюк Британиядаги элчимиз Алишер Шайхов 276 миллион долларлик 5 та лойиҳа, Польшадаги бош дипломатимиз Баҳром Бобоев 163 миллион долларлик 8 та, Эрондаги элчимиз Баҳодир Абдуллаев 61 миллион долларлик 9 та лойиҳани амалга оширишга инвестиция киритиш бўйича таклифлар берди. Давлатимиз раҳбари бу лойиҳалар етарли эмаслигини, элчилар хорижий инвестиция жалб этишни камида 2 баробар кўпайтириши лозимлигини таъкидлади.

Элчиларимиз булардан ташқари 2019 йилда ҳар бир туманга қўшимча камида 10 миллион доллардан хорижий инвестиция жалб қилишга кўмак бериши керак, деди Шавкат Мирзиёев. Ўйғилишда вилоятда ижтимоий соҳани ривожлантириш, таълим муассасалари фаолиятини яхшилаш, 2019 йилда мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш режалари ҳақида ҳам сўз юритилди.

Шавкат Мирзиёев жорий йил январь ойида Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида Қарши шаҳридаги Ислон Каримов кўчасида жойлашган Болалар боғи номини “Ватанпарварлар” деб ўзгартириш, бу ерда ана шу шарафли номга уйғун руҳда реконструкция ишларини амалга ошириш юзасидан топшириқ берган эди.

Боғни барпо этишдан мақсад ёшларда тарихимиз ва маданиятимиздан ғурурланиш туйғусини кучайтириш, Ватан равнақи йўлида фидокорона курашган миллий қаҳрамонларимиз номини абадийлаштириш, армиямиз қудрати ва салоҳиятига ишончни кучайтиришдан иборат.

Қарийб 7 гектар ҳудуддаги “Ватанпарварлар” боғи ана шу мақсадларга ҳамоҳанг тарзда янги қиёфа касб этмоқда. Бу ерда 2018-2019 йилларда 29,3 миллиард сўмлик реконструкция ишлари амалга оширилади. Сунъий кўл, кириш дарвозаси, амфитеатр, блендаж, ўқ отиш жойи ва лукодром қурилиши яқунланди. Музей қурилиши тугалланиш арафасида, парашютдан сакраш минораси қурилиши, кўкаламзорлаштириш ишлари давом этмоқда.



Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) бош директори Гай Райдер Ўзбекистон билан ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақида ЎЗА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

- Ташрифим доирасида Президент Шавкат Мирзиёев билан учрашиш шарафига муяссар бўлдим. Музокара дўстона ва конструктив руҳда кечди. Унда ҳамкорлигимиз давомида эришилган ютуқлар ва истиқболли режалар юзасидан фикр алмашдик. Мамлакатингиз билан мажбурий меҳнатга чек қўйиш бўйича фаол ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Ўзаро англашув ва ишонч асосида олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида ушбу масалалар бўйича ютуқларга эришяпмиз. Қайд этишни истардимки, бугун ХМТ юртингизда меҳнат муносабатларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни қўллаб-қувватлайди.